*Касаба уюшмалари — фахрийларга*

9 май

# Қадр-қиммат ва эҳтиром рамзи

↖(1).

Ватанимиз истиқболи, турмушимиз ободлиги йўлида меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнат фахрийларига ҳам эҳтиром кўрсатилмоқда. Хусусан, акция доирасида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир ҳудуддан 25 нафардан, 350 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг буюк алломалар қадамжоларига ҳамда мустақиллигимиз даврида мамлакатимизда бунёд этилган диққатга сазовор масканларга ташрифлари ташкил этилди. Бундан ташқари, Мустақиллик йилларида хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг оилалари ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди. 900 нафарга яқин уруш ва меҳнат фронти фахрийлари тизимдаги санаторийларда давлат бюджети ҳисобидан, 150 нафар меҳнат фахрийси эса касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳозирда нафақада бўлган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, 400 нафарга яқин кекса авлод вакиллари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) учун театр, концертларга ташрифлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, улар моддий рағбатлантирилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси давом этмоқда.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**

* * *

**Кексалари ардоқланган юртда қут-барака, тинчлик ва фаровонлик боқий бўлади. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёши улуғларни эъзозлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги айни шу ҳақиқатнинг ифодасидир.**

Хотира ва қадрлаш куни Андижонда ҳам қизғин тайёргарлик билан кутилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланганидек, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тантанали ва байрамона вазиятда пул мукофотлари топширилиб, махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ташкил этилаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига асосан, «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида ҳудудда истиқомат қилаётган 116 нафар уруш қатнашчисининг ҳар бири 400 минг сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирилмоқда. Мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаб, хизмат чоғида ҳалок бўлган ўғлонларнинг оила аъзоларига эса касаба уюшмалари ҳисобидан моддий ёрдам ажратилди.

— Ҳолимиздан хабар олиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётганларга минг раҳмат, — дейди Асака туманининг Кужган қишлоғилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухторжон ота Мадаминов. — Байрам арафасида уюштирилган йўқловдан бошим кўкка етди. Бугунгидек осуда, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин.

Касаба уюшмаси фаолларининг Андижон шаҳридаги «Саховат» уйига ташрифи ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Бу масканда истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар меҳмонларнинг қутловига миннатдорлик билдирдилар. Бирлашма томонидан «Саховат» уйи учун иккита кир ювиш машинаси туҳфа қилинди.

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда, меҳнат жамоаларида маънавият соатлари ўтказилиб, меҳнат фронти фахрийлари ҳам таклиф этилмоқда, — дейди маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Феруза Қурбонова. — Учрашув ва мулоқотларда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишдаги тарихий йўли, тинчликтотувликнинг қадрига етиш, кексаларни эъзозлаш, ўтганлар руҳига ҳурмат бажо келтиришнинг аҳамияти хусусида ибратли фикрлар билдирилаётир.

Эътиборли жиҳати, дастурлар доирасида ҳар бир тумандан 25 нафардан уруш ва меҳнат фахрийларининг мамлакатимиздаги тарихий қадамжолар ҳамда диққатга сазовор масканларга зиёратлари ҳам уюштирилди. Бундай унутилмас саёҳат завқи нуронийларнинг мустақиллик ҳамда дориламон кунларга шукроналик туйғуларига эш бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан «Сиз соғинган наволар» номли концерт дастури кексалик гаштини сураётган пири бадавлатларимиз қалбига ўзгача завқ-шавқ, кўтаринки кайфият бағишлади.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган «Маънавият соати» Хотира ва қадрлаш кунига бағишланди. Қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни бирлашма кенгаши раиси Назира Тоғаева кириш сўзи билан очди.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими раиси Баҳриддин Садриддиновнинг мазкур байрам мазмун-моҳиятини ёшлар қалбига жо қилиш, бу борада адабиётимиздаги нодир асарлардан унумли фойдаланиш, шунингдек, Ватан учун жон берган мард ва жасур ўғлонларни хотирлашни миллий қадрият даражасига кўтариш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Тадбир асноси хизмат даврида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мудофаа ва ички ишлар бўлимлари ходимларидан 8 нафарининг оила аъзосига 250 минг сўмдан моддий ёрдам пуллари берилди.

Ёш ўғил-қизлар ўқиган Ватан ва тинчлик ҳақидаги шеърлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Руслан САБУРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

↘(3).



*Инсон — азиз,*

**Элимиз ўзининг узоқ ва яқин ўтмишида саодатли кунлар билан бирга, не-не синову машаққатларни бошдан кечирган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши оғир асоратлар қолдирди. Кексалар ўша машъум кунларни хотирласа, албатта, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизга, кўрсатилаётган юксак эҳтиром ҳамда ғамхўрликка шукрона айтади. Тинчликнинг буюк неъмат эканлиги, бугунги саодатли кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш кераклигини таъкидлашади.**

# Саодат калити

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кексаларни ижтимоий ҳимоялаш кўламини янада кенгайтирди. Хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир маротаба санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди. Кексаларни эъзозлаш йилида турли вилоятлардан келган уруш ва меҳнат фахрийлари Қибрай туманидаги «Бўстон» санаторийсида мириқиб дам олиб, соғлиқларини тиклашган эди. Бу йил ҳам ушбу анъана давом этмоқда.



— Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир бурда нон топиш машаққат эди. Тирикчилик азоби, уруш балоси одамларни бутунлай ҳолдан тойдирганди. Мактабни тугатиб, ўқишни давом эттиришни жуда хоҳлаганман. Лекин кун кўриш учун ишлашга тўғри келиб, ўқишга шароит бўлмади, — дейди Ҳайдарали ота Аҳмадалиев. — Йиллар ўтиб орзуйим амалга ошди. Тошкент педагогика олийгоҳида таҳсил олиб, 25 йил болаларга таълим-тарбия бердим. Мустақиллик шарофати билан мана шундай санаторийларда дам олиб, дориламон кунлари шукронаси билан яшаяпмиз.

Ёши улуғ инсонларнинг ҳар сўзида ҳикмат, ҳар каломида ибрат бор. Улар эл-юрт эътиборида камол топаётган замонамиз ёшларига панду насиҳатлари билан суянч бўлади. Қилган дуолари эса йўлларимизни чароғон қилади. Зеро, дуо — саодат калитидир.

**Ш.КАРИМОВА,**
**«Бўстон санаторийси» маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи**

## Юксак ғамхўрликдан мамнунмиз

**Бугун 91 ёшни қаршилаган Марғилон шаҳрилик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Дадабой Аҳмадалиевнинг айни гуллаган ёшлик даври уруш йилларига тўғри келди.**

— Қалбларимиз орзуларга тўла ўспирин йигит эдик ўшанда, — дейди Дадабой ота. — 1942 йилда фронтга кетиб, шукрки, шиддатли жанглардан юртимизга эсон-омон қайтиш насиб этди. Бугуннинг ёшларига жуда ҳавасим келади. Уларнинг меҳнат қилиши ва илм олиши учун барча шароит муҳайё. Ҳозир фарзандларим, невара-юevараларим ардоғидаман. Ҳар қадамда мустақиллигимиз абадий, фарзандларимиз бахтли бўлсин, дея дуо қиламан.

«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармон мени жуда хурсанд қилди. Биз, фахрийларга бундай ҳурмат-эътибор кўрсатаётган Юртбошимиз доимо соғ-омон бўлсин.

* * *

## Унутилмас учрашув

**Марғилон шаҳридаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 91 ёшли Абдусамаджон Ғуломов билан учрашув бўлиб ўтди.**

Отахон бошидан кечирган хотираларни сўзлаб, бугунги дориламон кунларга шукрона келтирди. Бугун таълим-тарбия масканларида ёш авлодга яратилган шароитлар мамлакатимиз келажаги нақадар порлоқ эканлигига ўзига хос ишора бўлиб, бу шукуҳли, тинч-осойишта кунлар қадрига етиб, уни кўз қорачиғидек асраш лозимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида ўқувчилар тинчлик, истиқлол, обод Ватан, меҳр-оқибат мавзуларида шеър, саҳна кўринишлари билан даврага кўтаринки кайфият улашишди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# Сермазмун умр дафтари

**Касаба уюшмалари зиммасида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришдек хайрли ишлар ҳам борки, бу соҳада фидойилар хизматига кўп нарса боғлиқ. Биз бугун узоқ йиллар «Лочин» болалар оромгоҳини бошқариб, унинг республикамиздаги энг сўлим масканлардан бирига айланишида ўз ҳиссасини қўшган фидойи инсон Исматилло Тўрақулов ҳақида сўз юритамиз.**



«Шўртангазкимё» мажмуасига қарашли «Лочин» болалар дам олиш оромгоҳини эшитмаган инсон бўлмаса керак. Шаҳрисабз туманидаги Мироқи қўрғончасида жойлашган ушбу сўлим масканда мавсум анча эрта бошланади.

Май ойида «Камалак» болалар ташкилотининг энг фаол ўғил-қизлари бу ерда турли тадбирларда қатнашса, ёзда мазкур гўша Оролбўйидан келган ўқувчилар, эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда иқтидорли ёшлар билан гавжум бўлади. «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар танлови финал босқичининг «Лочин» оромгоҳида ўтиши анъанага айлангани ҳам бежиз эмас.

Исматилло Тўрақулов 1995 йилда оромгоҳ раҳбарлигига тайинланган бўлса, умрининг охирига қадар (2014) касбига садоқат билан меҳнат қилди. Оромгоҳнинг қурилиш-бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди, турли тадбирларнинг тартибли ва юқори савияда ўтишига, энг асосийси, ўғил-қизларнинг мароқли ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришига катта ҳисса қўшди. У ҳақда ҳамкасблари, дўстлари, фарзандларининг хотираларига қулоқ тутамиз.

**Жасурбек УСМОНОВ,**
**«Лочин» оромгоҳи педагог ходимларидан:**

— Исматилло ака қаттиққўл, лекин меҳрибон раҳбар эди. Болаларни жуда севарди. Оромгоҳимиз катта, ҳар бир навбатда минг нафардан зиёд ўғил-қиз дам олса-да, уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмасди. Улар билан дилдан суҳбатлашар, ёнма-ён туриб, тадбирларда қатнашарди. Ходимларнинг оилавий муаммолари билан ўртоқлашар ва ечимида кўмаклашарди. У кишининг меҳнатсеварлигини кўриб, қолганлар ҳам ишга сидқидилдан ёндашарди. Оромгоҳда ўтадиган ҳар бир кун барчамиз учун қизиқарли, ёдда қоларли, ҳаяжонли эди...

**Истам ҲАСАНОВ,**
**«Лочин» оромгоҳи бош тарбиячиси:**

— Исматилло ака ҳақиқий устоз эди. У кишидан кўп нарса ўргандим. Оромгоҳимизда шунчалик кўп тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиларди-ки, дам олувчилар вақтнинг қандай ўтганини сезмасди. Доимо янгиликка ташна устозимиз болаларнинг маънавиятини бойитиш, иқтидорини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратарди.

**Азамат ТЎРАҚУЛОВ,**
**Исматилло аканинг ўғли:**

— Дадам ҳақида қанча гапирсам оз. У киши жонини фидо қилиб ишларди. Ҳатто таътилга ҳам чиқмасди. Спорт соҳасида, санъатда, касаба уюшмалари тизимида дўстлари жуда кўп эди... Ўзи очиққўнгил инсон бўлгани учун дилкаш одамларни ёқтирарди. Камтар ва оддий эди.

Дадамнинг ишини давом эттириб, порлоқ хотираси учун кўп ишлар қилишим зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчи эдикки, инсондан яхши ном, солиҳ фарзандлар қолса, у ҳеч қачон унут бўлмайди. Эзгу ишлари авлоддан-авлодга ўтиб, давом этаверади. Исматилло аканинг икки ўғли бор. Тўнғичи Азамат ёш авлодни соғломлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатаётган бўлса, кичиги Рустам Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олиш баробарида аҳоли саломатлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Қирқ чинорнинг ҳаётин яшаб

*(очерк)*

Тўрткўл туманининг Сахтиён қишлоғидаги мактабда бошланғич синфларга дарс бериб юрган ўн олти яшар азамат йигит уруш бошланганини эшитибоқ ҳарбий комиссариатга отланди. Отаси, кўпни кўрган, тупроқ билан тиллашиб келаётган босиқ, вазмин инсон Кенжа ака Маҳмудов миқ этмасдан бош силкиб қолди, холос. Аммо онаси Моможон ая Оллоберганова ўғлининг кетидан то қўшни Амиробод қишлоғининг йўлигача йиғлаб борди. Ортидан «Болам, буламиқни еб, кейин кетсанг бўлар эди!» деб қичқирди. Мактаб директори Отажон Каримовнинг «Ўн саккизга тўлмагунингча барибир сени фронтга олмайдилар» дегани тўғри экан: ўша куни уйига ҳориб-чарчаб, очқаб қайтганидан кейин, эрталаб пишган буламиқни кечқурун паққос туширишига тўғри келди. Ниҳоят 1943 йилнинг апрелида кўпдан кутилган чақирув қоғози ҳам келди. У аввал Хивада, кейин Челябинск шаҳрида уч ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтди.

Ромон Кенжаев, унинг ҳамқишлоғи Бегмамат Сафоев ва бошқа сафдошлари чиққан ҳарбий эшелон 1943 йилнинг 9 октябрида Оврупо қитъасининг энг гўзал, сўлим шаҳарларидан бири, муҳим саноат ва маърифат маркази ҳисобланган Харьковда тўхтади. Минтақа машинасозлиги, тракторсозлиги, кимё, озиқ-овқат, енгил саноати, энг нуфузли университетлар, театрлар, музейлар, галереялар бешиги, меъморчилик мўъжизаси ҳисобланган, чорак аср Украина Республикаси пойтахти бўлган йирик шаҳар Помпей вайронасига ўхшаб қолган эди. Аммо Италия жанубидаги ўша шаҳарни аслида вулқон отилиши вайрон қилган бўлса, Киев, Минск, Гродно, Гомель, Витебск ва бошқа юзлаб шаҳарларни, шу жумладан, Харьковни одам

①

қиёфасидаги йиртқичлар кунпаякун қилишган эди. 641 кун душманнинг темир исканжасида қолган шаҳар қиёфасида уруш чандиқлари қорайиб турарди.

Алп йигит уруш асоратларини кўриб, даҳшатга тушди. Бир неча минг чақирим нарида, жўшқин Жайҳун соҳилида қолган қишлоғи, Сахтиёнда, Сарибийда, Амирободда Ғалаба учун жон куйдираётган ҳамқишлоқлари, азиз ота-онаси, овул оқсоқолларидан Отажон Матниёзов, Ёқуб Саъдуллаев, Қобул Ражабов, Нурумбет Ёқубов, Сейитмамат Эшчонов ва бошқалар ёдига тушди. Бир қарич ердан бир ботмон ҳосил ундираётган бу фидойиларни ўз замонасининг фарҳодлари дейиш мумкин эди.

Оддий аскар Ромон Кенжаев 1943 йилнинг 20 октябрида 504-ўқчи полк таркибида жангга кирди.

— 1943 йилнинг 6 ноябри наинки менинг таржимаи ҳолим, балки 1-Украина фронти таркибида жанг қилган барча зобит ва аскарлар ҳаёти учун унутилмас сана ҳисобланади, — дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, бир неча жанговар орденлар соҳиби, республика ногиронлар жамияти Элликқалъа туман бўлими раиси Р.Кенжаев. — Шу куни биз Киев шаҳрини фашист босқинчиларидан озод қилдик. Душманнинг 13 дивизияси ер тишлатилди, 1200 тўп ва миномётлари, 600 танки мажақланди, 90 самолёти уриб туширилди.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом «Қирқ чинор ҳаётин яшадик кўркам» деб ёзган эди донолик билан. Қирқ чинор ҳаётини яшаётган нуроний дастурхонга тикилиб ўйга толди. Биз гўзал Бўстон шаҳрининг «Ўлди деса бўладими, ўйланглар-чи, Орқасида ўлмайдиган сўз қолдирган» деган кўпчиликка маълум мисрани ёзган атоқли оқин шоирнинг табаррук номи билан юритилаётган сўлим кўчасига бораётиб шу гузарда очилган янги нон дўконига кирган эдик. Дўконда буғдой ва жавдар унидан эндигина ёпилган 6 хил нон сотилаётган экан. Ёши улуғ инсонга қуруқ қўл билан бормаслик учун нонларнинг барчасидан олдик. У бўрсилдоқ обинонга, иштаҳани қитиқлайдиган ҳид таратган бухонкага, жавдар батонга боқиб, чамаси, фронтга кетаётиб Орол денгизи орқали кемада кетаётганида ушата олмаган тошдек қаттиқ зоғорасини ёхуд Бреслау қўрғонини қамал қилганларида икки кун туз тотмаганини эслади. Биз унинг хотираси нақадар мустаҳкам, фикри нечоғлик соғлом, хулосалари қанчалар теран эканлигидан ҳайратга тушдик.

②

— Иккинчи Жаҳон урушида жасур қуролдошларимиз томонидан кўрсатилган мислсиз қаҳрамонлик намуналари жуда кўп китоблар, мемуарлар, мақолаларда ҳар томонлама таърифланган, ўз баҳосини олган, — ҳикоясини давом этдиради Ромон ота. — Уларни ўқиганимда, кўз олдимдан ўзим ўша 531 кун давомида юрган йўллар, сўқмоқлар, ботқоқликлар, ўрмонлар, кечган дарё ва ирмоқлар, селдек ёққан ўқ ёмғири, ёнимдаги тирикларy ўликлар бир-бир ўтди. Уруш бошланган даврда Брест қалъаси ботирлари кўрсатган мардлик мангуликка дахлдордир. Аммо душман ҳам ўз навбатида устунликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилар эди. Биз тиш-тирноғи билан қуролланган, ўнлаб давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини қўлга киритган хавфли душман билан олишардик. Урушда жуда кўп қурбонлар берилди. Бир қисмимиз қайтиб келдик. Бизнинг забардаст шоиримиз Ибройим Юсупов ёзганидек, қайтганимиз ҳам, қайтмаганимиз ҳам, ҳаммамиз ботирмиз!

Ромон ота ҳақ. Тўрткўлга (1977 йили ташкил этилган Элликқалъага), Шаббоз (1957 йилдан Беруний тумани)га Ромон Кенжаевнинг юзлаб қуролдошлари кўкракларида шода-шода орден ва медаллар, яшашга бўлган иштиёқ билан қайтиб келишди. Улардан 2 нафари — Иноят Наврўзбоев ва Ўринбой Абдуллаевлар узоқ йиллар Бўстон шаҳрида ўтказилган хотира тадбирларида қаҳрамонлик нишони билан иштирок этдилар. И.Наврўзбоев 1918 йилнинг 10 сентябрида ҳозирги Элликқалъа туманининг Амиробод қишлоғида туғилган эди. 1941 йилнинг сентябрида полк пулемётчиси сифатида жасурлик кўрсатади. Кичик лейтенант И.Наврўзбоев 1943 йилнинг 2 октябрида душманнинг катта қисмига қирон келтиради. 17 октябрида Крешчатик аҳоли масканини душмандан озод қилишда мардлик кўрсатади. 1944 йилнинг 22 февралида унга уруш қаҳрамони унвони бериладн. Ботир жангчи урушдан кейин жамоа хўжалигида масъул вазифаларда ишлаб, кейинчалик истиқлол ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олиб,

③

# хотира — муқаддас

**Эл-юрт учун жон куйдирган нуронийлар ҳурмат-эҳтиромга муносиб. Шу боис ҳам улар ҳамиша давра тўридан жой эгаллаб келмоқда.**

## Мароқли саёҳат

Хотира ва қадрлаш куни байрами арафасида таълим тизими ривожига муносиб ҳисса қўшган 25 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирдик.

Кексаларимиз истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик билан яқиндан танишиб, зиёратгоҳлар, тарихий қадамжоларда бўлишди.

Бир пиёла чой устида ўтган кунлар эсга олинди. Ҳаёт абадий эканлиги, унинг ҳар лаҳзасини мазмунли ўтказиш ҳақида мушоҳадалар билдирилди.

**Бахтиёр НОМОЗОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси**

## «Мурувват» уйида шинам шароит

**Меҳр-оқибат, саховат каби эзгу юмушларни ҳаёт мазмунига айлантирган одамларни кўрсам, беихтиёр тўлқинланиб кетаман.**
**Чимбой туманидаги «Мурувват» ногирон эркаклар учун интернат уйида ана шу ҳиссиётлар яна жунбушга келди.**

Ҳудуддаги озодалик, саранжом-саришталик, ҳафсала ва дид билан экилган манзарали дарахт кўчатлари, боғ ўртасига ярашиқлик ҳордиқ чиқариш шийпони, янгидан бунёд этилган ва таъмирдан чиқарилган иморатлар гўё замонавий дам олиш масканларини эслатади.

— Ҳукуматимиз томонидан ёлғиз кексалар ва ногирон инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг кўлами кенг, — деди «Мурувват» уйи директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Бекполат Давлетмуратов. — Қарамоғимиздагилар учун барча шароит муҳайё этилган. Дастурхонимизга кунига 5 марта иссиқ овқат тортилади, кексаларни ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Тиббиёт ходимлари, ҳамширалар ва тарбиячилар ўз вазифасига ўта масъулият билан ёндашадилар.

— Кўп миллатли, катта ва аҳил оиламизда ҳеч бир нарсага зориқиш сезмай умргузаронлик қиляпмиз, — дейди ўзининг 81 баҳорини қарши олган отахон Қорасой Абдимуратов. — Иссиқ, шинам ётоқхоналар, ҳаммом, дам олиш хоналари, 200 ўринлик концерт зали ихтиёримизда. Юксак даражадаги ғамхўрлик ва эъзозни кўриб, ҳар куни дуога қўл очар эканмиз, элимиз тинчлиги, Юртбошимизнинг соғлигини тилаймиз.

Қорасой отанинг санъатга ошно экани ва яхшигина куй чалиб, терма айтишидан хабар топдик. Ёшлигида Марказий Осиё давлатларида ташкил этиладиган оқинлар айтишувида қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаганлигини гапириб берди. Ҳозир ҳам байрам кунлари ҳамхоналарининг кайфиятини кўтариш мақсадида дўмбирасини қўлига олар, достонлардан парчалар айтиб, баҳонада кўнгил чигалларини ҳам ёзар экан.

— Байрамлар масканимизда катта кўтаринкилик билан нишонланади. Наврўзни ҳам хурсандчилик билан кутиб олдик, — дейди бош ҳамшира Жамила Қозақбоева. — Миллий таомлар пиширилиб, катта дошқозонда сумалак қайнатилди. Спорт майдончаларимизда мусобақалар ташкил этилиб, ғолиблар мукофотланди.

Хайрли ишларни инсоний бурч, эзгулик тимсоли, деб билгувчи ватандошларимиз кўп экан. Нукуслик ҳожи она Ася Ситжанова, тошкентлик Александр Тарасюк ўзи олиб келган ва ҳамшаҳарлари бериб юборган совғаларни «Мурувват» уйига тақдим этди. Халқаро «Экосан» жамғармаси 16 та ёриткич ва музлаткичларни электр қуввати билан таъминлайдиган қуёш батареяларини ўрнатишга ҳомийлик қилган бўлса, Республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши 3 млн. 500 минг сўмлик кийим-кечак ва замонавий кир ювиш машинасини ҳадя қилди.

Туман ҳокимлиги томонидан масканга 4 гектар ер ажратилиб, унда 200 туп мевали дарахтлар парваришланмоқда. Ҳар йили боғ қатор ораларига экиладиган полиз маҳсулотлари ошхона таомномасини безамоқда. Бундан ташқари, Б.Давлетмуратовга тегишли фермер хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат режасидан ортган бир қисми шу ерга келтирилиб, омборга жойлаштирилар экан. Бир сўз билан айтганда, «Мурувват» уйи мисолида ҳукуматимиз томонидан яратилган қулайлик, халқимизга хос бағрикенгликка гувоҳ бўлдик.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Шундайлар бўлмаса агар дунёда...

**Мозийдан сўз очиб, Хатирчидек муқаддас заминнинг муаззам биносига залворли ғиштлар қўйган ажойиб инсон Ҳамдам Раҳимов хотирасини ёдга олишни жоиз, деб билдик.**

1922 йилда ҳозирги «Хўжаобод» МФЙ ҳудудидаги Новжа қишлоғида дунёга келган Ҳамдам олти ёшида онаси, ўн ёшга кирганда отаси вафот этиб, акаси қўлида тарбия топди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда уни ҳам ҳарбий хизматга чақиришди. Касаллиги туфайли заҳирага бўшатилгач, фаолиятини меҳнат фронтида давом эттирди. Яхшигина саводли бўлганлиги сабабли аввал қишлоқ фуқаролар кенгашида ҳисобчи, жамоа хўжалигида хазиначи бўлиб ишлади.

Ҳар бир топшириқни бажаришга масъулият билан ёндашиши эътибордан четда қолмади. У кўплаб катта-кичик лавозимларда ўз салоҳиятини намоён эта билди.

Иқтидорли йигит 1956 йилда Э.Абдиев номли (Куйбишев) жамоа хўжалигига раис этиб сайланди.

Қарийб юз ёш билан юзлашиб, омонатини топширган Сувон бобо Очилов уни шундай хотирлаганди:

— Ҳамдам хўжаликка раис бўлганида мен унга муовин эдим. Шароит оғир эди. Шундай бўлса-да, йилдан-йилга пахта ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини ошириб бордик. У меҳнатдан қочмас, эринчоқликни ёқтирмасди. Тиришқоқлиги, элпарварлиги, ҳалоллиги билан ишончни оқлади. Ўша даврларда хўжаликда муҳташам клуб ва янги мактаб биноси қурилди.

Ишлаб чиқаришда тобланиб, етарли тажриба орттирган Ҳамдам Раҳимов туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида ҳам эл ҳурматини топди.

— 1965 йилнинг куз ойлари эди, — дея эслайди меҳнат фахрийси Маҳмуд Содиқов. — Қайсидир жамоа хўжалигида вазият оғирлашиб қолди. Ана шундай мураккаб шароитда яна Ҳ.Раҳимовга ишонч билдирилди. Ҳамдам ака қаерга ишга юборилмасин, дастлаб ободончилик ва қурилиш ишларига катта эътибор қаратарди. Изланишдан, ўқиб-ўрганишдан эринмасди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факултетини тугатди.

«Яхшидан боғ қолади», дейди халқимиз. Ҳ.Раҳимов «У.Ёрлақабов» номли жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаганида мактаб ва болалар боғчаси биноси қурилишига бош-қош бўлди. «Гулистон» мавзесида янги уй-жойлар қурилиши, «Навандак»да эса 800 гектар ер ўзлаштирилишида ҳам унинг катта ҳиссаси бор эди.

Узоқ йиллик самарали меҳнат эътибордан четда қолгани йўқ. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига сазовор бўлди. Халқ таълимини ривожлантиришдаги хизматлари учун кўксини «Халқ маорифи аълочиси» нишони безади.

Ҳамдам бобо ва Асал момо хонадонида 7 нафар фарзанд тарбияланди, камолга етди. Барчаси олий маълумотли, элнинг корига ярайдиган касбларда меҳнат қилмоқда. Бугун бобосининг эзгу ишлари



Архив

ҳаёт мактабига айланган невaралар-чевaралар анъананинг давомчилари.

Ҳа, йиллар ўтаверади, ҳаёт тўхтамайди. Умр давомида амалга оширилган хайрли ва савоб ишлар босиб ўтилган изларнинг кўмилиб кетишига йўл қўймайди.

**Омон БОЗОРОВ,**
**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ,**
**Хатирчи тумани**

1999 йилнинг 29 апрелида оламдан ўтди.

Ўринбой Абдуллаев 1912 йилнинг 5 апрелида ҳозирги Элликқалъа туманининг Боғёп қишлоғида туғилган. 1943 йилнинг январидан ҳарбий хизматга чақирилади. Сунуплява қишлоғи яқинидаги стратегик тепаликни ярадор бўлиб оғир контузияга учраса ҳам керак муддатгача ушлаб туради. Фашистлар уни асирга олиб, Магдебург концлагерига жўнатадилар. Ў.Абдуллаев ҳалок бўлди деган тахмин билан 1945 йилнинг 24 мартида унга уруш қаҳрамони унвони берилади. Миллион-миллион бегуноҳ бандаларнинг ёстиғини қуритган Бухенвальд концлагерлар тизимининг ўттиздан ортиқ шохобчаси бўлган. Шулардан биттаси Анхальт-Саксония замини маркази Магдебургда эди. Бу ердаги ажал тегирмонидан омон қайтган Ў.Абдуллаев аввал Бошқирдистон пойтахтида яшайди. Кейин қадрдон қишлоғи Боғёпга қайтиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлиб, 1989 йилнинг 15 августида оламдан ўтади.

1941 йили Ўзбекистонда 6,5 миллион киши истиқомат қилар эди. 1433230 нафар ўзбекистонлик азамат худди И.Наврўзбоев, Ў.Абдуллаев, Р.Кенжаев каби қўлига қурол олиб, Оврупо ва Узоқ Шарқда бўлиб ўтган беомон жангларга отланади. 263055 нафар ҳамюртимиз қақшатқич жангларда ҳалок бўлади, 132670 нафари бедарак кетади. Уруш йилларида Ўзбекистон 4,8 миллион тонна пахта, 55 минг тонна пилла, 1,2 миллион тонна дон, 1 миллион тонна гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева беради. Қорақалпоғистондан 51 минг нафар азамат фронтга кетиб, шундан 34 минг нафарининг сўнгги қўнимгоҳи Оврупо заминида қолади.

— Мен нафақат Киев, Житомир, Бреслау жанглари, балки Тернопол, Львов учун бўлган шиддатли савашларда ҳам қатнашганман, — дейди Р.Кенжаев. — Улар ҳақида сизга соатлаб гапириб беришим мумкин. Аммо охирги жанггим ҳақида алоҳида тўхталмасам бўлмас. Ҳарбий қисмимиз Одер дарёси соҳилини забт этишда қатнашганини айтган эдим. Дарёнинг нариги соҳилида бир боённинг уйи ичида қуролдош дўстим Александр Симаков билан миномётимизни қандай жойлаштиришни чамалаётган эдик. Очиқ деразадан душман аскарининг қўли кўринди-да, биз томонга граната улоқтирди. Мени кўкраги билан тўсиб қолган Саша шу ернинг ўзида ҳалок бўлди. Мен оғир яраландим. Кўзимни очсам, госпиталда ётибман. Моҳир шифокор Людмила Андреева мени оёққа турғазди. Ёнимда ярадор аскар Миша Гребенников ётарди. У қатор қўшиқларни қойилмақом қилиб куйларди. 1945 йилнинг 9 май куни бутун палата унга жўр бўлиб «Смуглянка»ни куйлаганмиз. «Там смуглянка, молдаванка, собирает виноград» деганимизда Сахтиённинг узумзорлари ва қадрдонларим кўз олдимга келган.



Биласизми, бу ёруғ оламда тинчликдан қадрлироқ неъмат йўқ. Яқинда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Москва сафари чоғида айтган пурмаъно, бутун башарият тақдирига алоқадор сўзларини ойнаижаҳон орқали диққат билан эшитдим. Қаерда, қайси минбарда бўлмасин, у киши тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатлик орқали халқларни бахтли, фаровон қилиш тўғрисида гапирмоқда. Уруш даҳшатларини эсласам, бу даъват қанчалар тўғри, узоқни кўзлаган мулоҳазалар эканига иймон келтираман. Хулласи калом, 1945 йилнинг 29 июлида қишлоққа қайтиб келиб, оқ сут берган онажонимни бағримга босдим. Эртасига Тўрткўл туман халқ маорифи бўлими мудири Раҳим Худойбергановнинг ҳузурига кирдим. Яна пўлатдек метин иродали инсон, тажрибали устоз Отажон Каримов раҳбарлик қилаётган мактабга қайтдим. Кейин қишлоқ хўжалиги соҳасида ишладим.

Ўтган асрнинг эллигинчи ва олтмишинчи йилларида Тўрткўл туманида бир қатор навқирон аграр соҳа азаматлари етишиб чиқади. Булар Қаландар Тоиров, Қаландар Бойназаров, Абдулла Алимов, Айитбой Юсупов, Рўзибой Оллоберганов, Камол Назаров, Бозорбой Сатматов, Норбой Ишмуратов, Абдухолиқ Тўқсабинов, Абдулла Шарипов, Ёқуббой Қурбонов, Ибодулла Машарипов, Каримберди Отажонов, Саъдулла Раҳмонов, Ражаб Худойберганов, Ҳикматулла Фахрутдинов ва бошқалар эди. Улардан бир қанчаси Ромон Кенжаевдан пахтачилик ва ташкилотчилик сирларини ўрганишган. Чунки Ромон ака 1954 йилнинг октябридан 1960 йилнинг мартигача ўз қишлоғидаги жамоа хўжалигига раислик қилади. Шундан сўнг чорак аср қўриқдаги «Қирққиз» давлат хўжалигида бўлим бошқарувчиси бўлиб, «оқ олтин»дан мўл ҳосил олади. Бугун қатор жабҳаларда пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Элликқалъа туманининг тараққиётида ҳам ана шу пири бадавлат отахонларнинг муносиб улуши бор. Бугун туманда Р.Кенжаев билан бир қаторда Н.Раҳметов, Қ.Бегимов, Қ.Отажонов, О.Матёқубов, С.Отажонов каби уруш иштирокчилари истиқомат қилмоқдалар. Уларга наинки Хотира ва қадрлаш кунида, балки йилнинг уч юз олтмиш беш кунида эътибор кучли, эҳтиром юксак.



— Ромон ака билан биринчи марта бундан деярли қирқ йил муқаддам учрашиб, яқиндан танишиб, мароқли суҳбатидан баҳраманд бўлганмиз. — дейди Элликқалъа тумани ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Н.Худойберганов. — Биз ўшанда бир гуруҳ қишлоқ хўжалик мутасаддилари билан «Қирққиз» давлат хўжалиги далаларини айланиб юрган эдик. Ўзи яшайдиган уй олдида трактор двигателини кўздан кечириб турган оқсоқолга кўзимиз тушганидан кейин ёнига бориб саломлашдик. Таомилга кўра у киши дастурхондан бир бурда нон ейишга чорлади. Кейин «Тракторнинг бир мурватини тўғрилаб келишим учун ўн беш дақиқа вақт берсангизлар» деди. Юзларидан нур ёғилиб тургани учун кўнмасликнинг иложи бўлмади. Кейин ўша айтилган вақтда янги сўйилган қўй гўштидан хуштаъм қовурдоқ кўтариб кирди. Нон-тузи, таоми учун у кишидан миннатдор бўлдик. Аммо у киши айтиб берган сермазмун ҳикоялар, бетакрор ривоятлар, равон мулоҳазалар бизни шу қадар ром қилдики, мен учун ҳам, ҳамроҳларим учун ҳам Ромон ака бир умрлик қадрдонимиз, устозимиз бўлиб қолди. Тўқсон икки ёшда бўлишига қарамасдан у киши ҳамон кўпчилик тадбирларимизда фаол қатнашади, ёшларга ибрат бўлгулик тафсилотлардан гапиради, жўялик насиҳатлар беради. Ана шундай ажойиб отахонларимиз жамиятимизнинг олтин бисоти, бебаҳо хазинасидир. Уларнинг ажойиб дуолари буюк келажагимиз биносини қуришда бизга чинакам қўлқанот вазифасини ўтайди!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**



*Касаба уюшмалари — фахрийларга*

## Қадр-қиммат ва эҳтиром рамзи

(2).

* * *

**Сўлим ва жаннатмонанд гўша — Бахмалнинг Данғара қишлоғида истиқомат қилувчи уруш ногирони, 93 ёшли Ғиёс ҳожи Бекамов хонадонига бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари совға-саломлар билан кириб келишди.**

— Сизларга катта раҳмат, ташрифингиздан бошим осмон қадар юксалади. Ҳалиям телевизор томоша қилиб, газетани қўлимдан қўймайман. Эл-юрт тинчлиги, эрки ва озодлиги учун кураш йўлида ҳалок бўлган инсонларни хотирлаб, мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром ҳақида битилган ҳар бир сўздан қалқиб кетаман.

Отахон билан гурунг асносида Иккинчи жаҳон урушининг халқимиз бошига нақадар оғир кулфат келтиргани, фронт ортида эса машаққатли меҳнат мужассамлиги барчанинг кўз олдида гавдаланди. Бугунги тинч, осуда ҳаётимизга шукроналар келтирилди.

Касаба уюшма фаоллари туманнинг Жадик, Тангатопди, Шайбек қишлоқларида истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари, биринчи гуруҳ ногиронлари Тўпчибой Султонов, Мавлон Умиров, Ҳосилмурод Маликов хонадонида ҳам бўлишди ва уларга касаба уюшмаларининг моддий ёрдами топширилди.

— Барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, — дейди ҳудудий бирлашма бўлим мудири Ш.Баҳриддинов. — ЎзКУФК бюджети ҳисобидан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига тўрт юз минг сўмдан пул мукофоти, мустақиллик йилларида бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласига икки юз эллик минг сўмдан манзилли моддий ёрдам берилаётир.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, кексаларнинг мамлакатимиздаги тарихий қадамжолар ва диққатга сазовор жойларга зиёратлари уюштирилмоқда. Зоминнинг Ём қишлоғида жойлашган «Мурувват» уйида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, маданий тадбирлар ташкил этилди.

Меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида «Тинчлик ва аҳиллик мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги асосидир», «Сиз доим эъзоздасиз», «Авлодлар учрашуви», «Эҳтиром», «Фахрийлар — фахримиз», «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари оилаларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.**

Тармоқ касаба уюшмалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида бир қатор корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилаётир. Кексаларга, байналмилалчиларга совғалар тортиқ қилиниб, улар маданий тадбирларга таклиф этилаётир. Кексалар учун ички туризм йўналиши бўйлаб саёҳат уюштирилмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари билан ҳамкорликда вилоятда истиқомат қилаётган 187 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига, мудофаа, ички ишлар тизимида ўз хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган мард ўғлонлар оилаларига касаба уюшмалари томонидан ажратилган манзилли ёрдам топширилди.

— Тўқсон бир ёшни қаршиладим. 30 набира, 40 нафар чеварам ардоғида, тўкин-сочинликда яшаяпман, — дейди Иштихон туман «Шайхлар» маҳалласидаги Қорақўйли қишлоғида яшовчи фахрий отахон Бердирасул Амиров. — Биз, кексалар эл-юрт ардоғида эканимизни ҳар лаҳзада ҳис этиб турибмиз. Юртбошимиз томонидан ажратилган махсус рағбатлантиришни олдик. Касаба уюшмалари маблағи ҳам шу куни топширилди. Кексаларга кўрсатилаётган эҳтиром улғайиб келаётган авлодга ибрат мактабидир. Фаровон турмушимиз, обод диёримизга кўз тегмасин.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида яшаётган кексалар, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**Бугунги кунда Хоразм вилоятида 119 нафар 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиси умргузаронлик қилмоқда. Улар давлатимиз томонидан кексаларни эъзозлашга қаратилган чора-тадбирлардан чексиз миннатдор эканликларини билдириб, ёшларни бугунги тинч ва осойишта, обод ва фаровон кунларни қадрлашга ундашмоқда.**

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида уруш фахрийлари хонадонига ташриф буюриб, уларнинг ҳар бирига касаба уюшмаларининг 400 минг сўмдан пул мукофотини тақдим этишди. Самимий суҳбат, дуолар ва эзгу тилаклардан диллар яйради.

— 93 ёшдаман. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар туфайли ўзимни ёш ва тетик ҳис қилаяпман, — дейди хивалик Абдулла ота Сафоев. — Юртимизга, тинчлигимизга, истиқлолимизга асло кўз тегмасин!

Бундай меҳр ва эътибор мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жон фидо этган ўғлонларнинг оила аъзоларига ҳам кўрсатилди. Улар касаба уюшмалари томонидан тақдим этилган манзилли ёрдамни қабул қилиб олар эканлар, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, мустақиллигимизнинг абадий бўлишини тилаб дуога қўл очдилар.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

